

“АГРОБАНК” АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши

40 - сонли

БАЁННОМАСИ

2019 йил 23 октябрь
соат 10-00

Тошкент шаҳар
Муқимий кўчаси, 43-уй

“Агробанк” акциядорлик тижорат банки (кейинги ўринларда “Банк” деб юритилади) акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорлар ва уларнинг вакилларига тегишли овоз берувчи акциялар сони **1 745 211 634** дона. Жами овоз берувчи акциялар сони **1 851 351 565** дона. Йиғилиш кворуми **94,3** фоиз.

РАИСЛИК ҚИЛДИ

М.Д.Норгитов

Қатнашдилар :

Банк акциядорлари ва уларнинг вакиллари (рўйхат илова этилади).

Кенгаш аъзолари : М.Д.Норгитов, Н.Я.Хамрахўжаев.

Банк Бошқаруви : Р.У.Маматкулов, А.О.Йўлдошев.

Таклиф этилганлар:

Банкнинг таркибий тузилмалари
раҳбарлари

М.Д.Норгитов - Банк акциядорлари умумий йиғилиши котиби этиб, Банк аппарати банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи в.в.б. З.У.Маматкулов номзоди маъқулланди.

ЭШИТИЛДИ:

М.Д.Норгитов - Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибини тасдиқлаш тўғрисида.

(Бир овоздан маъқулланди)

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартиби кўйидагича тасдиқлансин:

КУН ТАРТИБИ :

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Йиғилиш регламентини тасдиқлаш.
3. “Агробанк” АТБ корпоратив бошқарув Қоидаларига риоя қилиш мажбуриятини қабул қилиш ва бу ҳақида хабар бериш матни шаклини тасдиқлаш.
4. “Агробанк” АТБ Кенгаши аъзоларини мукофотлаш тартиби тўғрисида”ги Низомини тасдиқлаш.
5. Банк Уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш.
6. “Банк Кенгаши тўғрисида”ги Низомига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш.

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ЭШИТИЛДИ:

Йиғилиш кун тартибидаги 1 - масала

Йиғилиш раиси Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибига банк Кенгаши томонидан тавсия этилган кўйидаги номзодларни тасдиқлашини акциядорлардан сўради.

Додокозиев Равшанбек Рустамович - Банкнинг Ходимлар билан ишлаш департаменти Ўқув маркази бошлиғи, комиссия раиси.

Очилов Шухратилла Тоштемирович - Банкнинг Ҳазначилик департаменти бошқармаси бошлиғи, комиссия аъзоси.

Талипова Гулнора Нигматуллаевна - Банкнинг Ҳазначилик департаменти бош мутахассиси, комиссия аъзоси, комиссия котиби.

Йиғилиш кун тартибидаги 2 - масала

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига асосан йиғилиш раиси томонидан кун тартибидаги масалалар бўйича маъруза ва музокарага чиқувчилар учун йиғилиш регламентини кўйидаги тартибда тасдиқлаб олиш сўралди:

Кун тартибидаги масалалар бўйича 10 дақиқагача, музокарага чиқувчилар учун 5-10 дақиқагача вақт ажратилиши таклиф этилди.

Йиғилиш кун тартибидаги 3 – масала

“Агробанк” АТБ корпоратив бошқарув Қоидаларига риоя қилиш мажбуриятини қабул қилиш ва бу ҳақида хабар бериш матни шаклини

тасдиқлаш юзасидан йиғилиш раиси **М.Д.Норгитовнинг** маърузаси эшитилди:

Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2018 йил 20 апрелдаги 15-сонли йиғилиш баёни билан давлат иштирокидаги корхоналар учун Корпоратив бошқарув Қоидалари маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарининг 2019 йил 5 сентябрдаги 02/1-160-сонли топшириғига асосан 50 та давлат иштирокидаги корхоналарда жорий йилнинг 1 октябрга қадар Корпоратив бошқарув Қоидаларини жорий этиш ташаббуси билан чиқиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 65-моддаси талабларига мувофиқ банк устав капиталида 38 фоиз улушига эга бўлган акциядори сифатида Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан “Агробанк” АТБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказилиши ва йиғилиш кун тартибига Корпоратив бошқарув Қоидаларига риоя қилиш мажбуриятини қабул қилиш масаласини кўриб чиқиш тўғрисида 2019 йил 12 сентябрдаги 4640/03-17-сонли хат билан мурожаат қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг талабига мувофиқ банк Кенгашининг 2019 йил 30 сентябрдаги қарорига асосан корпоратив бошқарув Қоидаларига риоя қилиш мажбуриятини қабул қилиш ва бу ҳақида хабар бериш матни шаклини тасдиқлаш масаласини акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилган.

Йиғилиш кун тартибига 4 - масала

“Агробанк” АТБ Кенгаши аъзоларини мукофотлаш тартиби тўғрисида”ги Низомини тасдиқлаш юзасидан йиғилиш раиси **М.Д.Норгитовнинг** маърузаси эшитилди:

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан 2019 йил 21 июндаги 2278/03-15-сонли хат билан Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига мувофиқ ишлаб чиқилган Кузатув кенгаши аъзоларини мукофотлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий Низомининг лойиҳасини банк бошқарув органлари мажлисида кўриб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун юборилган.

Ушбу Кузатув кенгаши аъзоларини мукофотлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий Низомининг лойиҳасига мувофиқ банк томонидан “Агробанк” АТБ Кенгаши аъзоларини мукофотлаш тартиби тўғрисида”ги Низоми ишлаб чиқилган ва тасдиқлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилган.

Йиғилиш кун тартибидаги 5, 6 – масалалар

Банк Уставига, “Банк Кенгаши тўғрисида”ги Низомига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш юзасидан Юридик департаменти директори **Ж.А.Саиповнинг** маърузаси эшитилди:

“Агробанк” АТБ Кенгаши аъзоларини мукофотлаш тартиби тўғрисида”ги Низоми тасдиқланганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги ПФ-5780-сонли Фармони асосида давлат улуши иштирокидаги тижорат банкларини халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ва консалтинг компаниялари иштирокида бозор тамойиллари асосида ишлайдиган универсал банкларга трансформация қилиш, бир хил (намунали) банк маҳсулотлари – модулларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш ва миқдорларга тезкор хизмат кўрсатиш учун ихчам банк хизматлари офисларини ташкил қилиш вазифалари юклатилганлиги сабабли банк Уставига, “Банк Кенгаши тўғрисида”ги Низомига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тақозо этмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Банк Уставига қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши лозим:

Биринчи қўшимча ва ўзгартириш:

1. Уставнинг 9-боб, 53-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“53.Банк Кенгаши банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун ва мазкур Устав билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра банк Кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) банк Кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари “Агробанк” акциядорлик тижорат банки Кенгаши аъзоларини мукофотлаш тартиби тўғрисида”ги Низомда белгиланади.”

Иккинчи қўшимча ва ўзгартириш:

2. Уставнинг 11-боб, 78-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“78.Банк акциядорлик жамияти шаклидаги юридик шахс ҳисобланиб, у ўзининг худудий бошқармалари, филиаллари, банк хизматлари марказлари, ваколатхоналари, шуъба ва тобе корхоналари билан ягона жамият тизимини ташкил этади.”

Учинчи қўшимча ва ўзгартириш:

Уставнинг 11-боб, 79-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“79. Банкнинг ҳудудий бошқармалари, филиаллари ва банк хизматлари марказлари юридик шахс ҳисобланмайди. Уларнинг мажбуриятлари юзасидан банк жавоб беради.

Ҳудудий бошқармалар, филиаллар ва банк хизматлари марказлари ўз фаолиятини ўрнатилган тартибда тасдиқланган низом асосида юритади.

Банк филиалларини руйхати мазкур Уставга илова қилинади.”

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59 ва 60-моддаларига асосан банк Уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киради ҳамда ушбу масала бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

Шунга кўра, банк Уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш масаласини кўриб чиқиш банк акциядорлари эътиборига ҳавола этилмоқда. **(5-масала).**

“Агробанк” акциядорлик тижорат банки Кенгаши аъзоларини мукофотлаш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланганлиги ҳамда банк Уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилганлиги муносабати билан “Банк Кенгаши тўғрисида”ги Низомига иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши лозим.

Шунга кўра, “Банк Кенгаши тўғрисида”ги Низомига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш масаласини кўриб чиқиш банк акциядорлари эътиборига ҳавола этилмоқда **(6-масала).**

Юқоридагиларга асосан Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун талабларидан келиб чиқиб, кун тартибига киритилган масалалар юзасидан қарор қабул қилиш акциядорлардан сўралади.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

I. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш

(М.Д.Норғитов)

овоз бердилар - 1 745 211 634 овоз

тарafdорлар - 1 745 211 634 овоз, бетарафлар ва қаршилар - йўқ.

1.Банк санок комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

Додокозиев Равшанбек Рустамович - Банкнинг Ходимлар билан ишлаш департаменти Ўқув маркази бошлиғи, комиссия раиси.

Очилов Шухратилла Тоштемирович - Банкнинг Ғазначилик департаменти бошқармаси бошлиғи, комиссия аъзоси.

Талипова Гулнора Нигматуллаевна - Банкнинг Ғазначилик департаменти бош мутахассиси, комиссия аъзоси, комиссия котиби.

II. Йиғилиш регламентини тасдиқлаш

(М.Д.Норғитов)

овоз бердилар - 1 745 211 634 овоз

тарafdорлар - 1 745 211 634 овоз, бетарафлар ва қаршилар - йўқ.

2.Банк акциядорларининг умумий йиғилиши кун тартибидаги масалалар бўйича 10 дақиқагача, музокарага чикувчилар учун 5-10 дақиқа вақт ажратиш орқали йиғилиш регламенти 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

III. “Агробанк” АТБ корпоратив бошқарув Қоидаларига риоя қилиш мажбуриятини қабул қилиш ва бу ҳақида хабар бериш матни шаклини тасдиқлаш

(М.Д.Норғитов)

овоз бердилар - 1 745 211 634 овоз

тарafdорлар - 1 745 211 634 овоз, бетарафлар ва қаршилар - йўқ.

3.1.“Агробанк” АТБ корпоратив бошқарув Қоидаларига риоя қилиш мажбурияти қабул қилинсин.

3.2. “Агробанк” АТБ корпоратив бошқарув Қоидаларига риоя қилиш мажбурияти қабул қилинганлиги тўғрисидаги хабар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва ОАВ белгиланган тартибда чоп этилсин.

3.3. Банк Кенгаши ва Бошқарувига Корпоратив бошқарув Қоидалари талаблари ижросини таъминлаш вазифаси топширилсин.

IV. “Агробанк” АТБ Кенгаши аъзоларини мукофотлаш тартиби тўғрисида”ги Низомини тасдиқлаш

(М.Д.Норғитов)

овоз бердилар - 1 745 211 634 овоз

тарafdорлар - 1 745 211 634 овоз, бетарафлар ва қаршилар - йўқ.

4.“Агробанк” АТБ Кенгаши аъзоларини мукофотлаш тартиби тўғрисида”ги Низоми 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

V. Банк Уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш

(Ж.А.Саинов)

овоз бердилар - 1 745 211 634 овоз

тарафдорлар - 1 745 211 634 овоз, бетарафлар ва қаршилар - йўқ.

5.Банкнинг Уставига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

VI. “Банк Кенгаши тўғрисида”ги Низомига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш

(Ж.А.Саипов)

овоз бердилар - 1 745 211 634 овоз

тарафдорлар - 1 745 211 634 овоз, бетарафлар ва қаршилар - йўқ.

6.“Агробанк” акциядорлик тижорат банкнинг “Банк Кенгаши тўғрисида”ги Низомига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7.Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш банк Кенгашига топширилсин.

Йиғилиш раиси томонидан кун тартибига киритилган масалалар тўлиқ кўриб чиқилиб тегишли қарорлар қабул қилинганлиги муносабати билан йиғилиш ёпиқ деб эълон қилинади.

Йиғилиш раиси

_____ **М.Д.Норгитов**

Йиғилиш котиби

_____ **З.У.Маматкулов**

2019 йил “___” октябрь

Бошқарув раиси

_____ **Р.У.Маматкулов**

Юридик департаменти

директори

_____ **Ж.А.Саипов**